

Корхоналар ва ташкилотлар

фаолиятининг умумий

таърифи

(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 24988 тани ташкил қилиб, шундан 24463 таси ёки 97,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5410 та (21,7 фоизи), саноат 4993 (20,0 фоизи), қурилиш 1920 та (7,7 фоизи), ахборот ва алоқа 1517 та (6,1 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1391 та (5,6 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	24988	100,0	24463	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1391	5,6	1357	5,5
саноат	4993	20,0	4903	20,0
қурилиш	1920	7,7	1887	7,7
савдо	5410	21,7	5270	21,5
ташиш ва сақлаш	960	3,8	940	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1041	4,2	1021	4,2
ахборот ва алоқа	1517	6,1	1483	6,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	854	3,4	848	3,5
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6902	27,6	6754	27,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,6 (2016 й 84,0) фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 38,2 (2016 й 43,3) фоизи хусусий корхоналар, 0,8 (2016 й 0,7) фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 (2016 й 0,3) фоизи акциядорлик жамиятлари, 45,4 (2016 й 39,7) фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида








2017 йил январь-мартда жами 1364 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1337 та). Уларнинг асосий қисми Фарғона шаҳар (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (19,0 фоизи), Қўқон шаҳар (13,3 фоиз), Марғилон шаҳар (10,5 фоиз), Бувайда тумани (8,0 фоиз), Куба тумани (6,7 фоиз), Учкўприк (4,6 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 33,5 фоизи саноат, 26,3 фоизи савдо ва 9,7 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 216 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 60 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 27,8 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



0% 100%

Давлат сектори

Подавлат сектори